



Нукус шаҳри

Нөкис қаласы

№ 112

« 2 » марта 20 17 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
27 февралдаги «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига
янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида»ги
100-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ ҳамда алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида»ги 100-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) 2017 йил 1 апрелдан бошлаб алкогольли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига дизайни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, химоянинг қўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш;

б) эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб тўққиз ой ўтгач маркаланмаган деб ҳисобланиши ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши белгилаб қўйиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитасига 2018 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари олиб кирилши, ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг улгуржи ва чакана савдо тармоғида сотилишини аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш чора-тадбирларини кўриш;

г) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар эътиборига етказиш;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари эътиборига етказиш;

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб бориш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси (А.Сапарбаев), Божхона бошқармаси (Х.Файзуллаев) ҳамда Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари эътиборига етказсинлар;

янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Р.Сариев